



ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ТИЗИМИ

¹Хусанбаева Юлдуз Бахтияровна

Фармацевтика таълим ва тадқиқот институти Ижтимоий гуманитар фанлар кафедраси катта ўқитувчиси,

²Саъдуллаева Даъно Абдукомил қизи

Тошкент фармацевтика институти Ижтимоий фанлар кафедраси ўқитувчиси.

<https://www.doi.org/10.37547/ejlfas-v03-i03-p1-07>

ARTICLE INFO

Received: 25th February 2023

Accepted: 03rd March 2023

Online: 04th March 2023

KEY WORDS

Таълим, тарбия, фан, назария, ислохот, ривожланиш, илмий-техникалар, ёшлар.

ABSTRACT

Ушбу илмий мақолада таълим-тарбия жараёнлари билан бир қаторда, таълим тизимидаги ислохотлар ва уларнинг талаба-ёшларга ўргатиш жараёндан мулохазалар келтирилиб ўтилган. Олий таълим тизимида кадрлар тайёрлашнинг ривожланиш босқичлари ва олий таълим муассасаларини ривожланиш тенденциясилари масаласига эътибор қаратилган. Шунингдек, олий таълим тизимини ривожлантириш ва меҳнат бозори учун рақобатбардош кадрлар тайёрлаш жараёнига таъсир этувчи омиллар кўрсатиб ўтилган.

Ҳаммамизга аёнки, тараққиётнинг тамал тоши ҳам, мамлакатни қудратли, миллатни буюк қиладиган куч ҳам бу - илм-фан, таълим ва тарбиядир. Эртанги кунимиз, Ватанимизнинг ёруғ истиқболи, биринчи навбатда, таълим тизими ва фарзандларимизга бераётган тарбиямиз билан чамбарчас боғлиқ.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

XIX асрнинг иккинчи ярмида илмий-технологик жараёнларнинг жадал тараққий этиши инсониятни таълимга бўлган муносабатини ўзгартиришига туртки бўлди.

Дунёнинг кўплаб мамлакатлари таълим тизимида катта ислохотлар бошланди. Албатта, йиллар ўтиб бу ислохотлар ўз натижасини берди. Қачонлардир ўта қашшоқ бўлган мамлакатлар дунёнинг ривожланган давлатлари қаторига қўшилди. Кўплаб давлатлар барқарор ривожланиш даражасига эришди. Бу эса таълим сифати жамият фаровонлигининг асосий кўрсаткичларини белгилашини кўрсатди.

Замонавий ҳаётни бугун илм-маърифат ва таълимнинг тараққиётисиз тасаввур этиб бўлмайди, инсоният фан ўқи атрофида айланаётгандек гўё. Жаҳоннинг етакчи давлатларида таълимни ривожлантириш биринчи галдаги вазифа сифатида белгиланиши ҳам бежиз эмас. Негаки, мамлакатнинг келгуси равнақи айнан шу соҳада қўлга киритган ютуқлари билан чамбарчас боғлиқдир. Бугунги кунда университетларнинг таълим бериш фаолияти янада такомиллаштирилиб, халқимизнинг асрлар давомида шаклланган илм сари интилиш фазилати яна бир бор намоён бўлмоқда. Ёшларимиз соғлом ҳамда гўзал турмуш кечирши, эгаллаган касби



бўйича доимий иш ўрнига эга бўлиш, масъулиятни ўз зиммасига олиш, инсоний қадр-қимматини камситишга йўл қўймаслик, қисқача айтганда, комилликка эришиш учун ҳаракат қиляпти ва бу жараёнда таълим олишни энг асосий шарт сифатида кўрмоқда.

Сўнгги йилларда республикаимиз таълим соҳасида жадал ислоҳотлар олиб борилмоқда. Таълим соҳасини янги сифат босқичига олиб чиқиш мақсадида олий таълим муассасаларига бир қатор имтиёзлар берилиб, глобаллашув шароитида давлатимизнинг келажагини ташаббускор, стратегик ва креатив фикр юритадиган, билимли ва юқори малакали янги авлод кадрларисиз тасаввур этиб бўлмаслигини бугунги куннинг ўзи кўрсатмоқда. Таълим соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг маълум қисмини, албатта, олий таълим тизимидаги ислоҳотлар ташкил этади.

Ҳусусан, Ўзбекистон Республикасида олий таълимни тизимли ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларини белгилаш, мустақил фикрлайдиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, олий таълимни модернизация қилиш, илғор таълим технологияларига асосланган ҳолда ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон¹ Фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш Концепцияси мазкур соҳадаги янги ислоҳотлар учун дебоча вазифасини бажариб бермоқда.

Ушбу ҳужжатга интеллектуал тараққиётни жадаллаштириш, рақобатбардош кадрлар тайёрлаш, илмий ва инновацион фаолиятни самарали ташкил этиш ҳамда халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш мақсадида фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини ривожлантириш сингари вазифалар асос қилиб олинди. Концепция мазмуни мамлакатимиз олий таълим тизимини ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларини акс эттиради. Унда олий ўқув юртларида қамров даражасини кенгайтириш ҳамда таълим сифатини ошириш, рақамли технологиялар ва таълим платформаларини жорий этиш, ёшларни илмий фаолиятга жалб қилиш, инновацион тузилмаларни шакллантириш, илмий тадқиқотлар натижаларини тижоратлаштириш, халқаро эътирофга эришиш ҳамда бошқа кўплаб аниқ йўналишлар белгилаб берилган. Буларнинг барчаси таълим жараёнини янги сифат босқичига кўтариш учун хизмат қилади.

Мамлакатимиз таълим тизимида амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар таълим-тарбия сифатининг юқори даражада бўлишини таъминлашга қаратилган бўлиб, ушбу йўналишда муваффақиятни белгиловчи асосий омиллардан бири – таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг замонавий билим, кўникма ва малакаларни эгаллаганлиги ҳамда таълимнинг инновацион ахборот-дидактик шакллари илмий тадқиқ қилиш ҳисобланади. Бу ўз ўрнида таълим тизимини тубдан ислоҳ қилишни тақозо этмоқда, чунки мукамал таълим тизими республикаимизнинг келажакдаги интеллектуал имкониятларини ва ривожланишини

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармони. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 09.10.2019 й., 06/19/5847/3887 -сон; 30.04.2020 й., 06/20/5987/0521-сон



белгилаб берувчи ўқувчиёшларни ҳар томонлама ижодкор, мустақил фаолият юритадиган қилиб тарбиялашда ҳал қилувчи рол ўйнайди. Бугун мамлакатимиз таълим тизимида инновацион технологияларга асосланган таълим-тарбия тизимини такомиллаштириш, унинг миллий заминини мустаҳкамлаш, ижтимоий фаол ва малакали рақобатбардош кадрлар тайёрлашни жаҳон андозалари даражасига чиқариш масалаларида тадқиқотлар олиб борилмоқда. Таълим соҳасидаги сифат ўзгаришлари ва юқори самарадорлик уларнинг жаҳон таълим талаблари билан мослиги ва педагогларнинг келгуси меҳнат фаолиятларида ўзлаштирган компетенциялари қай даражада амалиётга татбиқ қилинаётганлигига боғлиқ. Таълим-тарбиядаги сифат ўзгаришлари ва юқори самарадорлик эса мазкур соҳага ижобий янгилик киритиш натижасида таълимда сифат ва самарадорлик таъминланиб, педагогик инновацион жараён вужудга келади.

Узлуксиз таълим тизимида ҳар томонлама етук, ижодкор шахсни тарбиялаш, ўқувчини узлуксиз ривожлантириш учун таълим-тарбия жараёнининг барча босқичларида педагогик тизимнинг таркибий қисмлари ўзаро алоқадорлиги, мувофиқлиги ҳамда истиқболга йўналтирилганлигини таъминлашни тақозо этади. Республикамизда амалга оширилаётган таълим ислоҳотларида шахснинг ривожланиши узлуксиз жараён сифатида қаралиб, унда ўқув жараёнининг фақат билиш эмас, балки ўзлаштирилган билимларни ижодий талқин қилишни назарда тутувчи ривожлантирувчи таълим ғоялари билан уйғунлашган. Бу эса таълим тизимининг ахборотли ўқитишдан продуктив таълимга, хотирага асосланган таълимдан фаол ўзлаштиришга асосланган таълимга ўтилишини белгилаб берди. Таълимнинг узвийлиги – таълим мазмунининг тизимлилиги, изчиллиги ва мантиқан боғлиқлиги таъминланиши, ўқувчилар ўзлаштирган билимларининг кейинги босқичларда кўникма ва малакаларга ўтишига тайёрлаши, таълимнинг ҳар бир босқичида маълум даражада билим, кўникма ва малакаларни шакллантиришни таъминлашни талаб қилувчи принципдир. Узвийликнинг моҳияти вақт бўйича индивидуаллаштирилган, ҳар бир шахсга ўзига мос билим олиш шароитларини яратиб бера оладиган таълимга бўлган шахс ва жамиятнинг эҳтиёжларини қониқтириш зарурати билан белгиланади.

Киши юксак фазилатлар ва қадриятларни эгалламасдан, ўзида инсонга муҳаббат туйғусини шакллантирмасдан, гўзал хулқли, одобли, инсонпарвар бўлмасдан туриб етук шахс, комил инсон бўлиб етишуви қийин.

Масалан, назарий фикрлаш юқори даражадаги мавҳум тушунчалар билан ишлаш билан боғлиқ бўлган инновацион фикрлашнинг бир қисми ҳисобланади. Хулоса ўрнида, таълим соҳасидаги ислоҳотлар ҳам бугунги кунда ўзининг долзарблиги ҳамда амалий аҳамияти билан бошқа соҳалардаги ислоҳотлардан асло қолишмайди. Чунки ушбу соҳадаги ислоҳотларни янада кенг кўламда давом эттириш давр талабидир.

References:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-



5847-сонли Фармони. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 09.10.2019 й., 06/19/5847/3887-сон; 30.04.2020 й., 06/20/5987/0521-сон.

2. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрдаги ЎРҚ-639 сонли “Таълим тўғрисида”ги Қонуни. <https://lex.uz/docs/5013007>. 2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 й

3. Т.Тешабаев. Олий таълим тизимида инновацион фаолиятни ахборот технологиялари асосида бошқаришни такомиллаштириш.// Автореферат. 08.00.13 – Менежмент ихтисослиги. Тошкент-2019.: 83 бет

4. А.Очилов. Юқори малакали кадрлар тайёрлашни бошқариш самарадорлигини ошириш.// Автореферат. 08.00.13 – Менежмент ихтисослиги. Тошкент-2018.: 76 бет.

5. Ilmiy tadqiqot jurnali №5 2022 yil 45 bet. web:<http://www.tadqiqot.uz/>: email:info@tadqiqot.uz

6. Ilmiy tadqiqot jurnali №5 2022 yil 45 bet. web:<http://www.tadqiqot.uz/>: email:info@tadqiqot.uz

7. Abdurakhmonov Khasan Ibroximovich. (2022). INNOVATIVE THINKING AND ITS FORMS AND TYPES OF MANIFESTATIONS. European Scholar Journal, 3(5), 38-41. Retrieved from <https://scholarzest.com/index.php/esj/article/view/2199>

8. Мадумаров, Т., Хайдаров, Р., & Ғулумжонов, О. (2023). АЛИШЕР НАВОИЙ ИЖОДИДА ГУМАНИЗМ ҲОЯЛАРИ. Eurasian Journal of Law, Finance and Applied Sciences, 3(2), 116-118.